

BAS MAQALA**ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР –
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИДИР**

Қ.Қодиров – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ, ОБОЗНАЧЕННЫЕ В ПОСЛАНИИ ПРЕЗИДЕНТА,
ЯВЛЯЮТСЯ ОСНОВОЙ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ**

К.Кодиров – доктор педагогических наук (DSc), доцент
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

**THE PRIORITY AREAS OUTLINED IN THE PRESIDENT’S ADDRESS ARE THE FOUNDATION
OF THE DEVELOPMENT STRATEGY**

Q.Qodirov – Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Associate Professor
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурोजаатномаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичи учун муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Унда 2026 йил ва ўрта муддатли истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар, аниқ вазифалар ҳамда масъулиятли ёндашувлар белгилаб берилди.

Мурोजаатномада аввало иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва инсон манфаатларини устувор қўйган ҳолда ислохотларни чуқурлаштириш асосий вазифа сифатида белгиланди. Сўнгги йилларда эришилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, инвестициялар ҳажмини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Мурोजаатномада маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси, йўл ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, муҳтарам Президентимиз томонидан кириб келаётган 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгилаш таклиф этилди ҳамда тўлиқ қўллаб-қувватланди. Бу эса аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга хизмат қилади.

Муҳтарам Президентимизнинг Мурोजаатномасида ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида таъкидланди. Давлат раҳбари ёшлар

мамлакат келажаги, ислохотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканини қайд этар экан, уларнинг билимли, маънавий баркамол ва соғлом бўлиб вояга етиши Янги Ўзбекистон тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида урғулади.

Мурोजаатномада ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш билан бир қаторда, уларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш масаласи ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Глобаллашув шароитида ёшлар турли ғоявий таҳдидлар, зарарли ахборот оқими ва салбий таъсирларга дуч келаётгани қайд этилиб, уларни бундай ҳаракатлардан асраш учун таълим-тарбия, маданият, спорт ва маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Президентимиз Мурोजаатномада миллат генофондини саклаш ва мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, гиёҳвандлик ва наркожиноятчилик жамият, айниқса ёшлар саломатлигига жиддий таҳдид солаётган иллат экани қайд этилиб, бу офатга қарши муросасиз курашиш давлат ва жамиятнинг энг долзарб вазифаларидан бири экани таъкидланди. Гиёҳвандликнинг нафақат шахс ҳаётига, балки бутун жамиятнинг соғлом ривожига, миллат генофондига етказадиган оғир зарарлари очик-ойдин кўрсатиб ўтилди.

Мурोजаатномада ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спорт ва маданиятга кенг жалб қилиш, таълим муассасалари ва маҳаллаларда тарғибот ишларини янада самарали ташкил этиш муҳим вазифа этиб белгиланди. Бу борада ота-оналар, педагоглар, маҳалла ва жамоатчиликнинг

масъулияти оширилиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур йўналишларда белгиланган вазифалар ёшларни соғлом, маънавий етук, ёт ғояларга қарши мустаҳкам позицияга эга бўлган шахслар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодлар саломатлигини таъминлаш, миллат генофондини асраш ва Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётига мустаҳкам замин яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам ўз аксини топди. Ушбу йўналишлар аҳоли саломатлиги ва келажак авлодлар манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари Мурожаатноманинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда фақат Қорақалпоғистон учун Муҳтарам Президентимиз томонидан 70 дан зиёд Қарор ва Фармонларнинг чиққанлиги, шу жумладан, Қорақалпоғистонда олий ўқув юртларининг сони 12 га етгани, ижарада яшаётган талабаларнинг ойлик ижара тўловининг маълум қисми давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилаётгани, магистратурада ўқиётган қизларимиз учун шартнома пулларини давлат бюджети ҳисобидан тўлаб бериш тартибининг жорий этилгани, чет эллардаги олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликларнинг мустаҳкамланаётгани, олис ҳудудларда яшовчи ёшларимиз учун бир қатор имтиёзларнинг яратилгани ҳурматли Президентимизнинг юртимиз ёшларига бўлган оталарча ғамхўрлигининг амалий ифодасидир.

Мурожаатномада Муҳтарам Президентимиз: «Донишманд боболаримизнинг “Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар”, деган ҳикматли мақоли бор.

Чиндан ҳам, қаранг, қимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Қимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди.

Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига қўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айна шу руҳда тарбиялашимиз керак.

Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуғ бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.

Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, 2026 йилни юртимизда **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”**, деб эълон қилишни таклиф этаман», дея таъкидлаб, янги йилнинг номида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун алоҳида давлат дастурини қабул қилишни, ушбу дастурда юртимиздаги 9 мингдан зиёд маҳаллани, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топишини батафсил тўхталдилар.

Бугунги каби глобаллашув шароитида дунёда халқларнинг, давлатларнинг тинч-тотувлиги, осойишта ҳаёти учун ғоят катта хавф-хатарлар юзага келаятгани аччиқ ҳақиқат. Шундай пайтларда юртимизда миллатлар ўртасида дўстлик, аҳиллик ҳукм сураётгани, кўп миллатли Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонимизнинг осмони очиқ, сувимиз мўл бўлиши, халқимизнинг фаровон турмушда яшаши учун барча имкониятлар эшиги очилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Президент Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг аниқ йўл харитасини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжат бўлиб, унда илгари сурилган вазифалар Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги изчил ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар ва ташаббуслар нафақат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлашга, балки ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини юксалтиришга, уларни глобаллашув жараёнида учраётган турли ғоявий таҳдидлар, ёт қарашлар ва зарarli одатлардан асрашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаси бўлган баркамол авлод сифатида тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти, жамиятда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги изчил ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.